**«МАЛИКА ФАРМ АНДИЖОН» масъулияти чекланган жамият**

**ШАРТНОМА № 1**

**Андижон ш.** **«18» 01 2022 й.**

**«МАЛИКА ФАРМ АНДИЖОН»** масъулияти чекланган жамият кейинчалик **«Махсулот етказиб берувчи»** деб номланувчи номидан директори **Корабоев А.А.** жамият низомига асосан бир томондан, Анд.Вил.Пах.Диспансер кейинчалик **«Буюртмачи»** деб номланувчи номидан рахбари Р.С. Бувабеков иккинчи томондан низом асосан ушбу шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. **«Махсулот етказиб берувчи»** томонидан ишлаб чикарилган турли хилдаги дори воситаларини мазкур шартномага илова қилинадиган ва унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган тафсилотли рўйхатда белгиланган миқдорларда тайёрлаб, етказиб бериш мажбуриятини олади . **«Буюртмачи»** эса етказиб берилган товарлар ҳақини белгиланган муддатда тўланишини таъминлаш мажбуриятини олади.

## 2. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ.

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 38000000 (Уттиз саккиз миллион) сўм сўмни ташкил этади.

2.2. Хисоб – китоблар пул утказиш йули билан амалга оширилади.

2.3. Шартнома кучга кириб, тегишли газначилик булимидан руйхатдан утказилгандан сунг 5 банк иш кунида **"Буюртмачи"** етказиб бериладиган товарларнинг умумий суммасининг 30% (фоиз) яъни 11400000 (Ўн бир миллион тўрт юз минг) сўм олдиндан (аванс) тарикасида **"Махсулот етказиб берувчи"**нинг хисоб рақамига утказиб беради.

2.4. Колган 70% (фоиз) 26600000 (Йигирма олти миллион олти юз) сумни **"Махсулот етказиб берувчи"** томонидан етказиб берилган товарлар хисоб варак фактуралари асосида 30 банк иш кунида утказиб беради. 2.5. **"Буюртмачи"** томонидан 30% (фоиз) олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг **"Махсулот етказиб берувчи"** 3 банк иш куни давомида тафсилотли рўйхатда белгиланган микдорда ва нархларда давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган товарларни **"Буюртмачи"** га етказиб беради.

## 3. ТОВАРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА КАБУЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1. Шартнома бўйича товарларни етказиб бериш **"Махсулот етказиб берувчи"** томонидан амалга оширилади, етказиб бериш санаси булиб, товарларнинг **"Махсулот етказиб берувчи"** омборидан юбориш санаси хисобланади. Товарларни кабул килишда **"Буюртмачи"** томонидан уни микдори, сифати ва руйхати хисоб фактура асосида амалга оширилади.

3.2. **"Буюртмачи"** сотиб олган товарларни товарлар етказиб берилганидан кейин дарҳол кўздан кечириши, агарда етказиб бериш билан боғлиқ камчиликлар аниқланган тақдирда, **"Махсулот етказиб берувчи"** ни зудлик билан ёзма равишда хабардор килиши лозим.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Томонлар бошка томоннинг хужжатини расмийлаштирилиши ёки нотугри расмийлаштириши учун жавобгар амасдирлар.

4.2. **"Махсулот етказиб берувчи"** нинг хукук ва мажбуриятлари:

- сотилган товар ҳақини тўланиши;
- товарни ўз вақтида кабул килиб олишни;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни;
- сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган зарарларнинг қопланишини талаб қилиш.
- шартномада назарда тутилган товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топшириш;
- товарни сотиб олувчига топширгунга қадар сақлаш.

4.3. **"Буюртмачи"** нинг хукук ва мажбуриятлари:

- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топширишни;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;
- учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан холи бўлган товарни топширишни талаб қилиш.

- сотиб олган товар ҳақини ўз вақтида тўлаш;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олиш;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш;
- сотувчига етказилган зарарни қоплаш.

**"Буюртмачи"** шартноманинг товарлар миқдори, сифати, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида **"Маҳсулот етказиб берувчи"** ўн кун муддат ичида маълум қилиши шарт.

## 5. МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК.

5.1. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилганда ёки тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда **"Маҳсулот етказиб берувчи"** **"Буюртмачи"** га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 25 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.2. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун **"Буюртмачи"** **"Маҳсулот етказиб берувчи"** га тўланмаган суммани 25 фоизи миқдорида жарима ва ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,2 фоизини, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

## 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Ушбу шартнома ижроси даврида келиб чиққан низолар томонларнинг ўзаро келишуви асосида хал қилиниши мумкин.

6.2. Томонлар келишуви билан хал қилиб бўлмайдиган низолар амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибларда суд орқали ҳал қилинади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи форс-мажор ҳолатлар (мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун тўсқинлик қилувчи енгиб бўлмас куч таъсири: товар етказилаётган пайтда содир бўлган тасодифий шикастланиш, **"Буюртмачи"** эгалигида сув тегиши натижасида товарнинг ёмон ҳолатга келиши ва бошка ҳолатлар) натижасида юзага келадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Шартнома имзоланган кундан ва тегишли худудий газначилик булимида руйхатга олингандан сунг кучга кириб, 31 декабрь 2022-йилгача амал килади.

## 9. БОШҚА ХОЛАТЛАР.

9.1. **"Буюртмачи"** **"Маҳсулот етказиб берувчи"** га хар ойнинг 5 санасигача шу ойда зарур буладиган дори воситаларини буюртма руйхатини тақдим килади.Бунда товарларнинг номи ва микдори курсатилиши шарт.

9.2. Шартномага киритиладиган барча ўзгаришлар ва кушимчалар факат ёзма равишда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, мухрлагандан сунг тегишли худудий газначилик булимида руйхатга олингандан сунг асосий шартноманинг ажралмас кисми хисобланади.

9.3. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан колган барча холатлар Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари асосида хал этилади.

## 8.ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ.

| "Маҳсулот етказиб берувчи" | "Буюртмачи" |
|---|---|
| **«Малика Фарм Андижон» МЧЖ**<br>**Андижон туман Жевачи МФЙ Бирлик кучаси 275-уй.**<br>**Х/р 2020 8000 2051 3565 3001**<br>**АТ "XALQ BANK"**<br>**Андижон вилоят амалиёт филиали**<br>**МФО:00649; ИНН: 306809102; ОКЭД: 21200**<br>**тел: +99893-066-55-66, 74-224-77-70**<br>_____________ *Корабоев Л.А.* | АНДИЖОН ВИЛОЯТ ПСИХОНЕВРОЛОГИЯ ДИСПАНСЕРИ<br>МАНЗИЛ АНДИЖОН ШАХАР, Ю.ОТАБЕКОВ № 3<br>Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги<br>х/р: 23402000300100001010<br>МАРКАЗИЙ БАНК ХККМ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШ БОШҚАРМАСИ<br>МФО: 00014 ИНН: 201122919<br>ш.х/р: 100021860034017073201054004<br>ИНН: 200236934 ОКОНХ: 91513<br>М.У. _____________ |

Приложение к договору поставки №1 от"18", 01, 2022 год , Заключенного между:

Поставщиком: ООО "Malika farm Andijon "

С одной стороны и

Покупателем: АВПНД

С другой стороны

## Спецификация № 1

1. Поставщик обязуется поставить, а Покупатель принять и оплатить следующий товар:

| № | Наименование лекарственных средств и изделий медицинского назначения | Ед. изм. | Коли-чество | Цена | Стоимость | Срок годности |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Реаасарбилактат 200мл р-р д/инфузий / Темур МФ | фл | 2000 | 19 000 | 38 000 000 | |
| | | | | | | |
| | ИТОГО: | | | | 38 000 000 | |
| Всего 38 000 000 сум | | | | | | |

2. Настоящая спецификация составлена в двух экземплярах, имеющих одинаковую юридическую силу, по одному для каждой из сторон.

**Подписи сторон :**

| От Поставщика | От Покупателя |
|---|---|
| Подпись | Подпись |
| М.П. | М.П. |

MALIKA FARM ANDIJON

O'ZBEKISTON RESP. ... MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIGNI SAQLASH ... VILOYAT PSIXONEVROLOGIYA DISPANSERI